



Ислом Нури

Иккинчи асос

“Аҳлуссунн авал-жамоа” эътиқодида “ИЙМОН” сўзининг истеъмоли

Салафи солиҳ, Аҳлуссунна вал-жамоа эътиқодларининг асосларидан бири уларнинг: “Иймон калб билан тасдиқлаш, тил билан талаффуз ва аъзолар билан амал қилишдир. У тоат қилиш билан кўпаяди ва гуноҳ қилиш билан озаяди” — деб айтишларидир.

Иймон сўз ва амалдир:

— Калб ва тилнинг сўзи.

— Калб, тил ва аъзоларнинг амали.

— Калбнинг сўзи — унинг эътиқоди, тасдиқи, икрори ва ишончидир.

— Тилнинг сўзи — унинг икрори амал қилиш, демакдир. Яъни, шаходат калималарини талаффуз қилиш ва унинг такозоси билан амал қилишдир.

— Калбнинг амали — унинг нияти, таслим бўлиши, ихлоси, тўла бўйсуниши, солиҳ амалларни севиши ва хохлашидир.

— Тил ва аъзоларнинг амали — буюрилган нарсаларни қилиш ва қайтарикларни тарк этишдир.

(Иймон факат амал билан комил бўлади, сўз ҳам амал ҳам факат ният билангина эътиборлидир, сўзнинг ҳам , амалнинг ҳам, ниятнинг ҳам эътибори йўқ, факат улар суннатга мувофиқ бўлсагина эътиборлидир) (Бу сўзни Имом Авзойи, Суфён Саврий, Хумайдий ва бошқа кўплаб



Ислом Нури

салаф олимлари айтдилар, шунингдек уни Лалакаий ва ибн Батта ривоят килдилар).

Аллох таоло Куръони Каримда «мўминлар» сифатини иймон келтирган ва иймон келтирган нарсалари бўлмиш диннинг асослари, фуруълари, зохири ва ботинига амал килган, иймон таъсирлари уларнинг эътиқодлари, сўзлари, ботиний ва зохирий амалларида намоён бўлган кишиларга истеъмол килди. Аллох таоло деди:

«Хакикий мўминлар факат Аллох (номи) зикр килинган вақтида калбларига кўркинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат килинганда иймонларини зиёда киладиган ва Ёлгиз Парвардигорларига таваккул киладиган кишилардир. Улар намозни тўқис адо этадилар ва Биз уларни бахраманд килган нарсалардан инфок-эхсон киладилар. Ана ўшаларгина хакикий мўминлар бўлиб, улар учун роббилари хузурида (юксак) макомлар, магфират ва улуг ризк бордир» (Анфол: 2-4).

Аллох таоло Куръоннинг кўп ерида иймонни амали солиҳга боглаган:

Аллох таоло деди: **«Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар килган зотлар учун Фирдавс жаннатлари манзил бўлур»** (Кахф: 107).

«Албатта: «Роббимиз — Аллохдир» деб, сўнгра (Ёлгиз Аллох таолога ибодат килишда) тўгри-устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, дерлар: «Кўркманглар ва гамгин бўлманглар!» (Фуссилат: 30).

«Килиб ўтган амалларингиз сабабли сизларга мерос килиб



Ислом Нури

берилган жаннат мана шудир» (Зухруф: 72).

«Аср (вакти)га касамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. Факат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳак (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳак йўлида) сабр-токат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчидирлар).» (Вал-аср сураси).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳга иймон келтирдим” — деб айтинг сўнгра сабот билан тулинг!” (Имом Муслим ривояти).

“Иймоннинг етмиш неча ҳам шохлари бор. Бу шохларнинг афзали “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасидир. Энг куйиси эса йўлдан озорли нарсаларни олишдир. Ҳаё ҳам иймоннинг бир шохидир” (Имом Бухорий ривояти).

Илм ва амал бир-бирига чамбарчас боғланган бўлиб, амал илмнинг сурати ва асидир.

Иймоннинг даражалари ва шохлари борлигига, иймон кўпайиб, озайиши ва иймон аҳлининг бир-бирларидан иймонда фаркли эканликларига далолат қилувчи кўплаб оят ва ҳадислар ворид бўлган. Аллоҳ таоло деди: **«...ва иймон келтирган зотларнинг иймонлари эса янада зиёда бўлгай»** (Муддассир: 31).

«...Кани, бу сура қайси бирларингизнинг иймонларингизни зиёда қилди?, дейишади. Аммо у (сура) иймон келтирган зотларнинг иймонларини албатта зиёда қилди» (Тавба: 124).

«...Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонларини зиёда



Ислом Нури

киладиган ва Ёлгиз Парвардигорларига таваккул килладиган кишилардир.» (Анфол: 2).

«(Аллох) ўз иймон-ишончларига яна ишонч кўшишлари учун мўминларнинг дилларига сакинат ором туширган Зотдир.» (Фатх: 4).

Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аллох учун севган ва Аллох учун ёмон кўрган кишининг иймони комил бўлибди» (Шайх Албоний: “Сахиҳу Сунани Аби Довуд”).

Бошка бир хадисда: «Сизлардан бирингиз (гуноҳ ишни) кўрса уни кўли билан ўзгартирсин, агар кодир бўлмаса тили билан, агар кодир бўлмаса калби билан ўзгартирсин. Буниси (калб билан ўзгартиш) иймоннинг энг заиф (лигининг далил) идир» (Имом Муслим ривояти).

Сахобалар (Аллох улардан рози бўлсин!) иймоннинг сўз, эътиқод ва амал экани, тоат билан зиёда, гуноҳ билан камайишини расулulloх соллаллоху алайхи ва салламдан ўргандилар ва тушундилар.

Амирул-мўминийн Алий разияллоху анху: «Сабрнинг иймонга нисбатан ўрни бошнинг жасадга нисбатан бўлган ўрнига ўхшайди. Сабри бўлмаган одамнинг иймони йўқдир»— дедилар. (Лолакаий: “Шарху усули ахлиссуннати сал-жамоати минал-китаби вассуннати ва ижмаис-сохабати ват-табиин”).

Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анху: “Илоҳим, бизга иймон, ишонч ва фикхни зиёда кил!”— деди (Лолакаий ривояти).

Абу Хурайра разияллоху анху, Абдуллох ибн Аббос ва Абуддардо разияллоху анхулар: “Иймон кўпайиб, озаяди”— деб айтардилар



Ислом Нури

(Лолакаий ривояти).

Вакийъ ибн Жаррох раҳимахуллох деди: “Ахлуссунна”: «Иймон сўз ва амалдир» — деб айтадилар” (Лолакаий ривояти).

Имому ахлуссунна Ахмад ибн Ханбал раҳимахуллох: “Иймон кўпайиб, озаяди. Унинг кўпайиши амал билан, озайиши эса амални тарк қилиш биландир” — деди (Лолакаий ривояти).

Хасан Басрий раҳимахуллох: “Иймон зийнатланиш ва орзуланиш билан эмас, балки, калбга ўрнашган ва амал уни тасдиқлаган нарса иймондир” — деди (Шайхул ислом Ибн Таймийя: “Китабул-ийман”).

Имим Шофеий раҳимахуллох: “Иймон сўз ва амалдир. У кўпайиб, озаяди. Тоат билан кўпаяди, маъсият-гуноҳ билан озаяди” — деди ва Аллох таолонинг: «...**ва иймон келтирган зотларнинг иймонлари эса янада зиёда бўлгай**» (Муддассир: 31) оятини тиловат қилди (“Фатхул-Борий: 1/ 62. “Китабул-Ийман”).

Имом Абу Умар Ибн Абдулбар “ат-Тамхид” китобида шундай деди: “Фикх ва ҳадис ахллари иймоннинг сўз ва амал эканига, ниятсиз амал бўлмаслигига ижмоъ қилдилар. Уларнинг эътиқодларида иймон тоат билан зиёда, гуноҳ билан кам бўлади ва тоатларнинг барчаси иймондир” (Шайхулислом Ибн Таймийя: “Китабул-ийман”).

Барча саҳобалар, тобеинлар, уларга яхшилик билан эргашган муҳаддис, факих ва дин имомлари ва уларга эргашганлар шу тушунчада эдилар. Уларга бу тўғрида ҳақиқатдан четга чиққан кимсалардан бошқа ҳеч ким муҳолиф бўлмади.

“Ахлуссунна вал-жамоа” иймонни амалдан ажратган кимсаларни



Ислом Нури

“муржиа”, иймонга иймондан бўлмаган нарсаларни кўшган кимсаларни “бидъатчи” деб атадилар.

Кимки шаходат калималарига тили билан икром бўлса, калби билан Аллохнинг бирлигини эътикод килса, лекин, аъзолари билан Ислом рукнларига амал килмаса, унинг иймони мукамал бўлмайди. Биз бундай кишиларга умумий суратда, хукман ва исман иймон (яъни, мўмин) лафзини истеъмол кила оламиз. Аммо шаходат калималарига икром бўлмаган кишиларга иймон исми истеъмол килинмайди.

“Ахлуссунна вал-жамоа” иймонда истисно бор дейдилар. Яъни, Аллох таолодан жуда хам кўркканлари, такдирни исбот этган ва ўзларини макташдан сакланганлари учун ўзларига мутлак иймонни нисбат килишда жазм кила олмайдиларда: “Иншааллох, мен мўминман” — дейдилар. Чунки, мутлак иймон барча тоатларни килиш ва кайтарикларнинг хаммасини килмасликни ўз ичига олади. Агар истисно иймонда шак килиш кўринишида бўлса, улар бу каби истиснодан кайтарадилар. (Яъни, мен мўмин бўлсам керак иншааллох дейишдан кайтарадилар. Бу каби ўринларда жазм килиш керак бўлади.) Бунга Куръон Карим, суннат, салаф солих ва уламолар сўзларида кўп далиллар бор. Аллох таоло деди:

«Ва бирон нарса хакида: «Мен албатта бу ишни эртага килгучиман», дея кўрманг, магар «Иншааллох-Аллох хохласа», (денг)» (Кахф: 23, 24).

«... Сизлар ўзларингизни покламай кўя колинглар! Унинг Ўзи такводор бўлган кишиларни жуда яхши билгувчидир.» (Нажм: 32).



Ислом Нури

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам кабристонга кирган пайтларида: “Ассаламу алайкум ахли диёр мўмин ва мусулмонлар! Иншааллох, бизлар ҳам сизларга етиб келгувчилармиз. Аллохдан биз ва сизлар учун офиятни сўрайман” — дер эдилар (Имом Муслим ривояти).

Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анху: “Ўзининг мўмин эканига гувоҳлик берган киши, ўзининг жаннат ахлидан эканлигига ҳам гувоҳлик берсин” — деди (Лолакаий ривояти).

Жарир раҳимахуллох: “Мен Мансур ибн Мўътамир, Мугийра, Аъмаш, Лайс, Умора ибн Каъко, ибн Шубрума, Ало ибн Мусайяб, Язид ибн Абу Зиёд, Суфён Саврий, ибн Муборак ва бошка учратганим барча кишиларнинг иймонда истисно қилганлари ва истисно қилмаганларни айблаганларини эшитдим” — деди (Лолакаий ривояти).

Имом Аҳмад раҳимахуллохдан: “Иймон нима” — деб сўралганда, у шундай деб жавоб қилди: “Сўз (талаффуз), амал ва ният”. Яна сўрадилар: Бирон киши «сен мўминмисан» деб сўраса бўладими? “Бундай савол бериш — бидъатдир” — деб жавоб берди. “Ундай саволга нима деб жавоб бериш керак” — деб сўрадилар: “Иншааллох, мўминман” — деб жавоб беради деди. (Лолакаий ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа” эътиқодида, “иймон”, аслининг йўқ бўлиши билан йўқ бўлади. Аммо гунохларни қилиш ва буйруқларни қилмаслик билан унинг шох (тармок) ларининг йўқолиши иймонни қамайтирсада бироқ, уни бутунлай йўқ қилмайди. Банда ўзини иймонга киргизган нарсасини инкор этсагина иймондан чиқади. Баъзан инсонда иймон ва куфр, ширк ва тавҳид, такво ва фожирлик жам бўлиши мумкин. Аллох таоло деди: **“Уларнинг кўплари Аллохга факат мушрик бўлган**



Ислом Нури

холларидагина иймон келтирадилар” (Юсуф: 106).

“Улар у кунда иймондан кўра куфрга якинрок эдилар” (Оли Имрон: 167).

Гунохи кабира – Катта гунохларни килган киши иймондан чикмайди. У бу дунёда иймони кемтик, иймони билан мўмин ва килган катта гунохи билан фосикдир. Охиратда эса Аллох таолонинг ихтиёридадир: хохласа уни кечиради, хохласа жазолайди.

Иймон бўлиниши мумкин. Аллох таоло иймоннинг ози билан ҳам жаханнамга кирган кишиларни чикаради. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Калбида хардал уругича иймони бўлган кишилар жаханнамга кирмайдилар” (Имом Муслим ривояти).

Шунинг учун ҳам, “аҳлуссунна вал-жамоа” иймоннинг аслини махв этадиган гунохдан бошка гунохларни килган аҳли кибладан биронтасини кофир хисобламайдилар. Аллох таоло деди: **“Албатта Аллох ўзига (бирон нарсанинг) шерик килинишини кечирмас. Шундан бошка гунохларни ўзи хохлаган кишилар учун кечирур.”** (Нисо: 48).

Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Жаброил алайхиссолату вассалом хузуримга келиб: “умматингиз ичидан бири Аллохга бирон нарсани ширк келтирмай вафот этса жаннатга киради” — деб башорат берди. Мен: “Зино ва ўгирлик килса хам-ми” — дедим, у: “Зино ва ўгирлик килса хам” — деди” (Имом Муслим ривояти).

Абу Хурайра разияллоху анху деди: “Иймон пок нарсадир. Шунинг



Ислом Нури

учун ҳам, иймон зино килган кишидан чикади. Агар у нафсини маломат килса ва кайтса, иймон ҳам унга кайтади” (Лолакаий ривояти).

Абуд-Дардо разияллоху анху деди: “Иймон худди бир кийиб, бир ечадиган кийимингизга ўхшайди. Аллох номига онт ичиб айтаманки, ўз иймонига хотиржам бўлган кимсадан иймони тортиб олинади ва уни излаб топа олмайди” (Лолакаий ривояти).

(Имом Бухорий раҳимахуллох шундай деди: “Мен Хижоз, Мадина, Басра, Макка, Восит, Багдод, Шом ва Миср ахлларидадан бўлган мингдан ортик олимлар билан бир неча бор учрашдим, кирк олти йилдан кўпрок бўлади мен улар билан кўришдим, уларнинг хаммаси унда бор эдилар. —Имом Бухорий раҳимахуллох уларнинг элликдан ортигини номма-ном зикр килади. Сўнгра: “Биз сўзни чўзмаслик учун шу исмлар билан кифояланамиз”— дейди. Мен уларнинг биронтасини: Аллох таолонинг: **“Холбуки, улар факат ягона Аллохга, У Зот учун Динни холис килган, Тўгри Йўлдан огмаган холларида ибодат килишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу Тўгри Диндир.”** (Баййина: 5) оятига биноан: «**Дин — сўз, ва амал**» эканида ихтилоф килганларини кўрмадим.

Имом Бухорий раҳимахуллох сўхзларининг давомида уларнинг колган эътиқодларини ҳам баён килдилар. (Лолакаий: “Шарху усули ахлуссуннати вал-жамоати минал-китаби вассуннати ва ижмаис-сохабати ват-табиин”).

“Иймон сўзининг лугавий маъноси: “тасдиклаш, бўйсунуш ва икромни



Ислом Нури

изхор килиш” бўлса, шаръий маъноси: ботиний ва зохирий тоат-ибодатлардир. Ботинийлари: мас: калб ишлари, у — калбнинг тасдиқлашидир. Зохирийлари эса бадан килган фарз, суннат амаллардир. Хуллас, иймон — калбда ўрнашган, уни амал тасдиқлаган ва унинг самаралари Аллох таолонинг буйруқларига итоат этиш, кайтарикларидан четланишда очик намоён бўлган нарсадир. Зеро, амалдан ажраган илмдан фойда йўқдир. Агар курук илм фойда берса эди, Иблис (Аллох уни лаънатласин!) га фойда берган бўлар эди. У Аллох таолонинг шериксиз ягона экани ва ўзи Аллох таолога кайтишини яхши билар эди. Лекин унга Аллох таолодан: “Одамга сажда кил!” амри келганида, амрдан бош тортиб, мутакаббирлик килди ва кофир бўлди. Унга тавхид илмини билиши фойда бермади. Чунки амалдан ажраган илмнинг Аллох таоло тарозусида ҳеч қандай вазни йўқдир. Салаф солих тушунчаси шундайдир. Зеро, иймон Куръон Каримда амалдан ажратилган холида келмаган. Балки, кўп оятларда иймонга солих амалларни атф килинган (богланган).